



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2011-yil, 14-iyul. Payshanba 83 (31.359) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!



Мамлакатимизда аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ўсиши кузатилаётганда, халқимизнинг харид қобилияти эса йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини асосан қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган.



Концепция: Жамоатчилик назорати

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ошкоралигини таъминлайди

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан кучли жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг муҳим шартидир. Бинобарин, одамларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга аниқ муносабати, ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканини чуқур ҳис этиши фуқаролик жамиятида адолат устувор бўлишига хизмат қилади.

Президентимиз давлат назорат функцияларига нисбатан жамоатчилик назорати афзал ва муҳим эканига тўхталиб, шундай дейди: «Шуни унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шугулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ».

⇒ 2

Ўзимизга юқори баҳо бермайлик

сиёсий партиялар фаолиятига ҳақиқий, ҳолис ва адолатли баҳони 2009 йилда бўлиб ўтган сайловларда халқнинг ўзи берган

⇒ 2

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



Партия фаолиятини ривожлантириш фақат кадрларни танлашга эмас, балки улар салоҳиятидан қай даражада фойдаланишга боғлиқ

Ҳар қандай ташкилот ва муассасанинг обрў-эътибори, ўз олдига қўйган мақсад ва интилиши, уни рўёбга чиқариш имкони кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Кейинги йилларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия тизими учун кадрлар танлаш ва ёшларни партия ташкилотларида ишлашига жиддий эътибор қилмоқда, бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди.

Тошкент шаҳар партия кенгашида ташкил этилган семинарда шу йўналишдаги ютуқ ва камчиликлар муҳокама этилди. Ўзбекистон ХДП тизими учун кадрлар танлаш ва захирадаги кадрлар билан ишлаш масаласига бағишланган тадбирда партия фаоллари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари иштирок этди.

Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Учкун Шоймикулов. — Олиб борилган ишлар, захирага олинган кадрларнинг тўғри танлангани ва улар билан ишлаш яхши йўлга қўйилгани учун шаҳар партия ташкилоти фаолиятида ижобий ўзгаришлар бўлди. Шаҳар кенгашида ишлаётган кадрларнинг барчаси олий маълумотли ва уларнинг ўртача ёши 38 ни ташкил этади. Туман кенгашлари таркибини ўзаро таққослаб кўрсак, ўртача ёш кўрсаткичи Олмазор туманида — 28, Яқкасаройда — 32, Шайхонтоҳурда — 33, Юнусободда

эса 35 ёшни ташкил этишига гувоҳ бўламиз. Ўрни келганда бу кенгашлар ёшлар билан жиддий ишлаб, уларни партия тизимига жалб қилаётганини, ўзларига муносиб издошлар тайёрлаётганини айтиш лозим. — Агар кадрлар салоҳияти ва тиниб-тинчимас бўлса, электрорат орасида партияга ишонч кучли бўлади, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши Ташкилий-кадрлар ишлари ва парламентчилик фаолияти бўлими мудири Зокиржон Холматов. — Барча бўғиндаги партия ташкилотлари етакчиларини танлаш ва сайлаш жараёнига масъулият билан ёндашиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Партия ишига муносиб, ҳар томонлама етуқ, ғайратли, эл орасида обрў кронанган, фидойи кадрларни етакчиликка сайласак, шубҳасиз, бу дастурий мақсадларни тўла рўёбга чиқаришига замин яратди. Лекин бизнинг фаолиятимиз фақат кадрларни танлашдан иборат эмас, балки уларни тарбиялаб, иш ўргати-

шимиз, яъни салоҳиятини рўёбга чиқаришимиз даркор. — Партия тизимида хотин-қизларнинг ҳам алоҳида ўрни бор, — деди «Фаол аёллар» қаноти Бектемир туман бўлими етакчиси Лола Ярашева. — Партияимиз тизимида хотин-қиз кадрларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Шаҳримиз бўйича 5 та туман партия кенгаши раиси ва 3 та раис ўринбосари аёллардир. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатларимиз таркибида ҳам аёл депутатлар жон куйдириб ишламоқда. Кейинги сайловларда хотин-қиз депутатлар сони янада кўпайиши учун «Фаол аёллар» қаноти аниқ режа асосида иш ташкил этиши зарур. Шунингдек, семинарда партия фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Улар асосида тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Гулрух ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақиллик байрами яқин

Деновда меҳнат ярмаркаси

Унда 144 та корхона ва ташкилот 420 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Натжида 200 га яқин киши турли соҳа бўйича ишга жойлашди. Уларнинг асосий қисmini коллеж битирувчилари ташкил этади.

Тадбир давомида, шунингдек, бир қатор ёшларга «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси» маблағлари ҳисобидан 1 миллион сўмдан имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилди. Жорий йилнинг ўтган даврида туманда икки марта меҳнат ярмаркаси ўтказилган бўлиб, уларда 3 минг 193 киши иш билан таъминланди. Шунингдек, йил охиригача яна 3 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Истиқлолни куйлар бахшилар

Паркентда бахши-шоир ва оқин-жировларнинг аънавий Республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Унда устоз бахшилар қаторида ёшлар ҳам иштирок этди. Мазкур танлов ғолиблари Республика миқёсида ўтказилган тадбирларга ҳамда халқаро фестивалларга қатнашиш учун тавсия этилди. — Менга катта саҳнада туриб куйлаш имконияти берилганидан жуда хурсанд бўлдим, — деди сурхондарёлик ёш бахши Дилмурод Гулмуродов. — Шу боис «Алпомиш» дostonини юракдан ижро этишга ҳаракат қилдим. Бундан ташқари, устозларим қаторида Мустақиллигимизнинг йилгирма йиллигига бағишлаб яратган термини ҳам куйладим.

Абдусалим МАХМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Styleteks» маҳсулотлари

Чустадаги «Styleteks» масъулияти чекланган жамиятига асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Тошкент, Москва, Киев шаҳарларида ўзининг маркетинг гуруҳларига эга бўлган корхона маҳсулотлари бугун Россия, Украина ва бошқа давлатларда талаб катта. Жумладан, россиялик ҳамкорлар билан 2014 йилда Сочида бўладиган киши Олимпиада иштирокчилари учун зарур трикотаж маҳсулотлари тайёрлаб беришга шартнома тузилган.

2010 йилда корхона жуда катта миқдорда экспорт амалиятини бажарган. Шунингдек, ўтган йили жамият томонидан «Барийон» АЖнинг бўш турган биносидан реконструкция ишлари бажарилиб, янги цех ташкил қилинди ва ЖКИ тикув дастгоҳлари ўрнатилди.

Корхонада 500 киши иш билан таъминланган. Уларнинг саксон физини хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

XII аср муқаддам

Буюк юртдошимиз, улуг ахлома Махмуд Замахшарий араб тили грамматикасини яратганди. Бугун ҳам ер юзидаги икки юз миллиондан ортиқ араблар ана шу кўлланмадан фойдаланиб келмоқда.

Имом Бухорий халқаро маркази, Маънавият тарғибот марказининг Ҳазорасп туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этган илмий-амалий анжуман улуг тилшунос олимнинг ҳаёти ва маънавий меросига бағишланди.

Мазкур анжуман давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтказилди. Эеро, истиқлол бўлмаганда Махмуд Замахшарийдек улуг бобомизнинг илмий мероси, тарихий хизматлари омма учун сир бўлиб қолаверарди.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Шарқ мусиқаси, шарқ оҳанглари

одамзодни ҳамиша эзгулик ва адолат, гўзаллик ва нафосатга чорлайверади



Санъатни, мусиқани бутун қалби билан севадиган, ижод аҳлини муносиб қадрлайдиган ўзбек халқи «Шарқ тароналари» фестивалининг ҳар бир анжуманини катта байрамдек орзиқиб кутади, барча иштирокчиларнинг санъатига юксак ҳурмат билан қараб, уларнинг чиқишини самимият билан қарши олиб, ўз ҳурсандчилиги ва миннатдорчилигини билдиради.

⇒ 3

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 12 ИЮЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1841,57	1 Миср фунти	288,97	1 СДР	2734,12	10 Жанубий Корея вони	16,24
1 Англия фунт стерлинги	2751,78	1 Канада доллари	1783,09	1 Туркия лираси	1054,29	10 Япония иенаси	213,00
1 БАА дирҳами	468,31	1 Хитой юани	266,04	1 Швейцария франки	2052,72	1 Россия рубли	61,67
1 АҚШ доллари	1719,97	1 Малайзия ринггити	572,75	1 Евро	2478,85	1 Украина гривнаси	215,78

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олматган.



